

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Д. Анваров	
“Бобурнома” асарида Эсан Давлатбегимнинг Фарғона водийси жараёнларидаги тасвири..	167
М.Жўраев	
Ўрта Осиё туркий халқлари астромифологиясида оқбўзот ва қўкбўзот юлдузлари.....	170
З.Раҳимов, Д.Ғуломов	
Романда ассоциатив сюжет.....	174
М.Ғаниев	
Ўзбек насрида тарихий роман генезиси ва ривож.....	176
М.Ҳамидов	
Романларда Машраб образи билан ёндош тарихий шахслар	180
Р.Умурзаков	
Мумтоз адабиёт намуналарида бола образи ва давр руҳи	186
И.Саймуратова	
Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романида бош қаҳрамон масаласи	190
Д.Тўраева	
Бадиий ижодда онгли ва интуитив ҳолатлар	195
Н.Бўриева	
Уилям Шекспир сонетларининг бадиий хусусиятлари.....	200
Н.Ҳамраев	
Нодавлат телеканаллар медиамаҳсулотлари номланишининг ўзига хос хусусиятлари	204
Х.Убайдуллаев	
Турли тиллардаги фразеологизмларнинг эквивалентлари ҳақида	208
М.Батирханова	
Соматик фразеологизмларнинг таснифлаш масаласига доир.....	211
Ш.Ҳасанова	
Расмий иш услубининг лексик ва фразеологик хусусиятлари.....	214
Г.Турдиева	
Лингвокультурология замонавий лингвистик таълимот сифатида.....	217
Л.Ғалимуллина	
Инглиз тилида фразеологик бирликларда учрайдиган қимматбаҳо тошлар ва металлларнинг рамзий аҳамияти.....	221
Н.Гофурова	
Инглиз ва ўзбек тилларида қурилиш терминларининг структурал - семантик таснифи	226
У.Маҳмудова	
Тилшуносликда реклама мустақил дискурс сифатида	229
З.Акбарова	
Концепт ва лисоний онг	233
З.Тожиматова	
Ўзбек адабиётидаги илк аёл ижодкорлар ва уларнинг ўрганилиши.....	235
Х.Хусамбоева	
Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда рейтинг индикаторларининг аҳамияти	238
	ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ
Адабиётимиз фидойиси	241

эдилар. Шунинг учун ҳам унга юксак баҳо бериб “Зебуннисобегим отаси ҳукмронлик билан қозона олмаган шуҳратини илм ва одоб билан қозонган” деб таъкидлайдилар. [5]

Ўша даврнинг машҳур олимларидан бири Зебуннисони севиб қолади. Унинг фироқида куйиб кўп шеърлар ёзади. Шоир ниҳоят бир куни бир байт ёзиб Зебуннисога юборадик, бу байт ўртада совчилик вазифасини ўтамоғи лозим эди. Бу шўх шоиранинг табиатини англаш учун шу совчи байт билан Зебуннисонинг унга берган санъаткорона жавобини кўриб ўтайлик.

Туро ей гулбадан, бепарда дидан орзу дорам,

Латофатҳойи хуснатро расидан орзу дорам.

(Эй гулбадан қиз, сенинг пардасиз – очик кўриш орзусидаман, хусн ва латофатларига етишиш орзусидаман)

Зебуннисонинг жавоби:

Булбул аз гул бугарад гар дар чаман бинад маро,

Бутпарастий қай кунад гар барҳаман бинад маро?

Дар суҳан пинҳон шудам монанди бу дар барги гул,

Маили дийдан ҳарки дорол дар суҳан бинад моро.

(Булбул чаманда мени кўрганда, гулнинг баҳридан кечарди, бутпарастлар мени кўрганда, бутга сажда қилмасди, гулнинг ҳиди ўз япроқларига яширингандай, мен сўзда яширинганман, кимнинг мени кўрмоққа майли бўлса, мени сўзда шеърда кўрсин.)

Зебуннисонинг ошиқ шоирларга берган жавоблари ва мушоира учун ёзилган мисралари унинг ўз харидорларига нисбатан кўп даражада юксак санъаткор эканлигини кўрсатганидек, бу жозибали ва ҳозиржавоб

қизнинг турмушга унча майли йўқлигини, бутун фикр-зикри, орзу- истақлари шеърятда эканини ҳам намойиш қилади. Шеърят, мусиқа, ижод – Зебуннисога ҳар қандай ёр васлидан тотлироқ бўлиб кўринган. Гўзаллик, санъат, илм – унинг идеали эди. Шоира бутун ҳаётини нафис санъатга, илмга бағишлайди. Зебуннисонинг энг севган машғулоти шеър ўқиш, шеър ёзиш, мусиқа тинглаш ва китоб мутолаа қилишдан иборат бўлган. Унинг “Нега жуфтликни хоҳламайсиз?”, – деган кишиларга қарата: “Менинг эрим ҳам китоб, бахтим ҳам китоб, ҳатто жаннатим ҳам китоб”, – дея берган жавоби фикримизни тўла далиллайди.

Шоҳларнинг зулм ва адоласизликларидан нафратланиб, фақирларга юз ўгирган, бутун ҳаётини санъат ва илмга бағишлаган Зебуннисо тарихда Бобурийлар сулоласининг ёрқин сиймоси ва шарқнинг суюкли шоираси сифатида муносиб из қолдирди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ислом дини кириб келгунга қадар аёлларнинг жамиятдаги ўрни юқори бўлган ва улар барча соҳаларида фаол иштирок этган. Ислом дини кириб келгач, диннинг эрақлар манфаати нуқтаи назаридан таҳлил қилиниши жамиятнинг ярмини ташкил этган аёлларни ижтимоий фаолиятдан четлаштирган. Натижада ўзбек адабиётининг мумтоз даврида аёл ижодкорлар фаолияти ва асарлари жуда кам тилга олинган. Тазкиралардан бизга маълум бўлган аёл ижодкорлар ўз тахаллусларида хижобий, ниҳоний, махфий каби сўзлардан фойдаланганликлари ҳам айни масалаларни кўзда тутган. Шунга қарамай, Зебуннисо шеърятини ўзбек адабиётида аёллар ижодининг дастлабки намуналаридан бири сифатида намоён бўлди дейиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Ғаниева С. Уларни Навоий тилга олган. // Саодат, –1968. – № 9.
2. Қодирова М. XIX аср ўзбек шоирлари ижодида инсон ва халқ тақдири. – Т.: Фан, 1977.
3. Қаюмий П. Тазкирайи Қаюмий, – Т., 1998.
4. Даврон И. Ашъори нисвон. – Ҳўқанд, 1914.
5. Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. – Т.: Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1970.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори)

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА
РЕЙТИНГ ИНДИКАТОРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

ЗНАЧЕНИЕ РЕЙТИНГОВЫХ ИНДИКАТОРОВ В ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА
ОБРАЗОВАНИЯ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

THE ESSENCE OF RANKING INDICATORS IN IMPROVING THE QUALITY OF
EDUCATION IN SECONDARY SCHOOLS

Х.Хусамбоева¹

¹ Х.Хусамбоева

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш
давлат инспекцияси бош мутахассиси.

Аннотация

Мақола бугунги кунда мактабларимизда мавжуд жиддий муаммони очиб берган бўлиб, унда умумтаълим муассасаларида таълим сифатининг пасайиб кетганлиги ва бунинг сабаблари ҳақида аниқ маълумотлар келтириб ўтилган. Мақолада таълим сифати тадқиқот объекти сифатида таҳлил қилиниб, уни ошириш учун рейтинг индикаторларидан фойдаланишнинг аҳамияти ҳақида таъриф берилган.

Аннотация

В статье раскрывается серьезная проблема, существующая сегодня в наших школах, в ней приводятся конкретные данные о снижении качества образования в общеобразовательных учреждениях и причинах этого обстоятельства. В статье анализируется качество образования как объекта исследования и даётся определение важности использования рейтинговых индикаторов для его повышения.

Annotation

This article reveals a serious problem that exists in our schools today and provides clear information about the decline in the quality of education in secondary schools as well as the reasons for this. In addition to the article analyzes the quality of education as an object of research and describes the importance of using ranking indicators to improve it.

Таянч сўз ва иборалар: таълим сифати, мактаблар рейтинги, рейтинг индикаторлари, рейтинг баҳолаш тизими, ташқи баҳоловчи, шаффофлик.

Ключевые слова и выражения: качество образования, рейтинг школ, рейтинговые показатели, рейтинговая система, внешний показатель, прозрачность.

Keywords and expressions: education quality, ranking schools, ranking indicators, ranking evaluating system, external evaluator, transparency.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда мактабларимизда таълим сифати кескин пасайиб кетган. Бунинг асосий сабаблари мактаб давлатники, ўқиш текин, ота-она мактабга ҳеч қандай талаб қўёлмайди, ўқитувчи бир амаллаб дарсига бориб келса бўлди, маоши тайин, директорни ҳеч ким ўқувчиларининг билими пастлиги учун жазоламайди. Вилоят халқ таълими бошқармаси ёки туман халқ таълими бўлимлари мактабларда таълим сифатини кўтариш бўйича ҳеч қандай амалий иш олиб бораётгани йўқ. Масалан, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларида ишлаётган фан услубчилари мактабларда фан ўқитувчиларининг фаолиятини назорат қилиш, тажрибаларини оммалаштириш, уларга услубий ёрдам бериш каби ишлар уларнинг функционал вазифаси эканлигини

ҳам билмайди, улар фақат раҳбарлар топшириғи бўйича ташкилий ишларни “қойиллатадилар” холос.

Таълим тизимига оид чиқарилаётган қарорлар ва буйруқлар ижроси мутлақо бажарилмайди, нари борса мактаб биносининг кираверишига катта қилиб осиб қўйишади, холос, биров ўқимайдиам.

Айрим ўқувчилар ота-оналарининг яратиб берган шарт-шароитлар сабабли қайсидир соҳада халқаро ёки республика даражасида ғолиб бўлиб юқори марраларни эгалласа, мактаб директори ва ўқитувчилари бизнинг мактабдан чиққан деб мақтаниб юришади.

Ўқувчилар билими ҳақида ва ўқитувчиларининг савияси ҳақида холис ва ҳаққоний маълумот бера оладиган мактаб раҳбарлари жуда кам бўлса керак, ҳаммаси

“бизда ҳаммаси яхши” деб айтишга ўрганиб қолишган.

Хўш шундай экан нима қилиш керак?!

Замонамиз шиддат билан ривожланаётган, ахборот алмашинуви жадаллашаётган айти даврда инсонларнинг ишончли, аниқ, холис ва ҳаққоний ахборотларга нисбатан эҳтиёжи юқори.

Истеъмомчи у ёки бу мақсадга эришиш учун нимани билиши зарурлигини англайди ва ўз қидирув ишини маълум бир натижага қаратади. Масалан, фарзандини боғчага, мактабга ёки олий таълим муассасасига йўналтириш истагида бўлган ҳар қандай ота-онани албатта энг яхши таълим муассасалари қизиқтиради. Ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб, орзу қилганидек, ҳоҳлаганидек таълим муассасасини танлаш, оддий инсон учун анчагина мушкуллик туғдиради.

Дунё тажрибасидан маълумки, ривожланган давлатларда мамлакат аҳолисининг хошиш ва истакларидан келиб чиққан ҳолда таълим тизимида рейтинг баҳолашни жорий қилиш ва унинг объективлигини таъминлаш, натижаларни мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиб бориш йўлга қўйилган. Рейтинг тизимини жорий қилиш инсонларнинг танловини осонлаштириш билан бир қаторда, умумий ўрта таълим тизимида таълим муассасалари орасида соғлом рақобат муҳитини шаклланишига ва таълим сифатини халқаро даражага кўтарилишида аҳамиятга эга бўлади. Бу эса, ўз ўрнида халқ учун ҳам, давлат учун ҳам манфаатли бўлади.

Бир қатор мамлакатларда, хусусан АҚШ, Россия Федерацияси, Канадада мактаблар рейтингини баҳолаш ташқи баҳоловчилар томонидан амалга оширилади. Жумладан,

Канадада Фрейзер Институти деб номланган мустақил таълим ва тадқиқот ташкилоти 1998 йилдан буён мактаблар рейтингини аниқлаш билан шуғулланади. Рейтингда асосий мезон - инглиз тили ва бошқа умумтаълим фанларидан ўтказиладиган тест натижалари.

АҚШда Claarware LLC хусусий компанияси томонидан мактаблар рейтинг аниқланади. Асосий мезон - инглиз тили ва

математика фанларидан ўтказиладиган тест натижалари.

Россия

Федерациясида

Рособрнадзор давлат ташкилоти, ягона давлат имтиҳони (**ЕГЭ**) натижалари асосида мактаблар рейтингини тузади, асосий мезон умумтаълим фанлари бўйича ўқувчилар билим даражаси ҳисобланади.

Украинада Украина Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этилган Таълим сифатини баҳолаш маркази томонидан амалга оширилади. Бутун мамлакат бўйлаб бир вақтда ўтказиладиган ёзма тест натижалари асосий мезон ҳисобланади. Украина тили, математика ва бошқа умумтаълим фанлари бўйича тест натижалари мактаблар рейтингини учун мезон қилиб олинган.

Ўзбекистон

Республикаси

Президентининг “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538 сонли фармони айнан юқорида қайд этилган масалаларни ечимига қаратилган муҳим бош ҳужжат бўлди. Унда умумий ўрта таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини аниқловчи рейтинг индикаторларини тузиш ҳамда тасдиқлаш, 2019 йил 1 январдан бошлаб туманлар ва шаҳарлар кесимида танлаш асосида умумий ўрта таълим муассасалари рейтингини тузиш, рейтинг яқунларини оммавий ахборот воситаларида, тегишли давлат органининг расмий-интернет саҳифасида кейинги ўқув йили бошланишидан кечиктирмай эълон қилиш вазифаси юклатилган.

Мактаблар рейтингининг жорий қилиниши умумий ўрта таълим тизимида таълим муассасалари орасида соғлом рақобат муҳитини шаклланишига ва таълим сифатини халқаро даражага кўтарилишида аҳамиятга эга бўлади. Бу эса, ўз ўрнида халқ учун ҳам, давлат учун ҳам манфаатлидир. Маҳаллий ва халқаро тажрибалар, ҳамда мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб, республикамизда умумтаълим мактабларининг рейтингини аниқлаш мезонлари шакллантирилган бўлиб, ушбу мезонлар 4 та индикаторни ўз ичига олади, булар:

№	Рейтинг индикаторлари	Баҳолаш мезони
	11-синф битирувчи ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлик даражаси ва сифат кўрсаткичи;	35 балл
	9-синф ўқувчиларининг билим даражаси;	25 балл
	Олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар улуши;	20 балл
	Умумтаълим муассасасининг ўқувчилари ва педагогик жамоаси ўртасида ўтказиладиган сўровнома натижалари.	20 балл
	Умумий балл	100 балл

Мактаблар фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимининг жорий қилишдан асосий мақсад, Республика бўйича ўқувчилар билимини баҳолашни жаҳон банкининг OECD (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти) ва IEA (Таълим соҳасидаги ютуқларни баҳолаш халқаро ассоциацияси) каби нуфузли ташкилотларнинг PISA (15-16 ёшли ўқувчилар билимини баҳолаш бўйича халқаро дастур), TIMSS (4 ва 8-синф ўқувчиларининг математика ва табиий фанлар бўйича саводхонлигини баҳолаш) PIRLS (бошланғич синф ўқувчиларининг матнни ўқиш даражаси ва сифатини баҳолаш) ўқувчилар билимини баҳолаш дастурлари даражасига олиб чиқишда таълим муассасаларига кўмаклашидир.

Юқоридаги ҳар битта рейтинг индикатори таълим сифатига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Масалан,

1-индикатор. Бунда 11-синф битирувчиларининг олий таълим муассасаларига ўқишга киришда тўплаган баллари ва ўқишга кирган ўқувчилар улуши аниқланиб, таҳлил қилинади.

2-индикатор. Бу кўрсаткич 9-синф ўқувчилари билан камида иккита фандан назорат ишлари ўтказиш орқали уларнинг билим даражасини аниқлаб беради.

3-индикатор. Бу индикатор орқали мактабда фаолият олиб бораётган педагогик жамоанинг сифат кўрсаткичи (олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар улуши) ўрганилади ва таҳлил қилинади.

4-индикатор. Умумтаълим муассасасининг ўқувчилари ва педагогик жамоаси ўртасида ўтказиладиган сўровнома натижалари таҳлил қилинади. Ўқитувчилар билан ўтказиладиган сўровнома асосан **TALIS** – халқаро дастури саволларини ўз ичига олган бўлиб, бунда мактаб жамоаси ва раҳбариятининг таълим сифатини оширишдаги фаолиятига ҳолис баҳо берилади. Саволлар ўқитувчининг шахсий кўникмаси, синф билан ишлаши, мактаб маъмурияти билан ўқитувчи орасидаги муносабати, ўз устида ишлаши, ота-оналар билан мактаб ўртасидаги алоқа ва бошқа бир неча долзарб масалаларни шаффоф очиб беришга хизмат қилади.

Рейтинг индикаторлари асосида мактаблар фаолиятига ҳолис баҳо бериш орқали у ердаги таълим сифатининг шаффофлигини таъминлаш мумкин бўлади. Бу эса ўз навбатида ота-оналар ва барча кенг жамоатчиликни ишончли, аниқ, ҳолис ва ҳаққоний ахборотлар билан таъминлаш имконини яратади.

Адабиётлар:

1. <https://www.education-medelle.com/articles/ratings/>.
2. <http://reyting.tdi.uz/>.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор).